
#Сайёр_қабул

Бешариқ туман ҳокими Расулжон Жўраев Кўркам маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказди.

Унда тегишли ташкилот раҳбарлари, туман Халқ қабулхонаси мудирини Хасанхон Сабилов ҳамда кўча вакиллари иштирок этди.

Қабул давомида фуқаролар томонидан ички кўча йўлларини асфалтлаштириш, тиббий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредит маблағларини ажратиш каби бошқа турдаги мурожаатлар қабул қилинди.

Айрим мурожаатларни шу куннинг ўзида ҳал этиш чоралари кўрилди, муддати талаб этиладиган масалалар эса қатъий назоратга олинди.

📍 Бешариқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2024-08-08 08:58:01